ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД
БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2021 / №1 (53)

Андижон
2021 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда 8 марта
(серия 2 марта) чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий коммуникациялар
агентлиги томонидан 2020 йил 17 августда 1097 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих, филология, педагогика, кимё ва биология фанлари бўйича Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши лозим бўлган нашрлар рўйхатига киритилган.

Босишга рухсат этилди: 23.03.2021.
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:21

«Ҳаёт нашри - 2020» нашриёти
матбаа бўлимида чоп этилди.
Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.ilmiyxabarnoma.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори
(Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)
Комилов Ойбек Камилович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юсупова Альфия Шавкетовна – филология фанлари доктори, профессор (Казан, Россия)
Мирзаева Салимахон Райимжоновна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алефиренко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Қапар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

У. БЎТАЕВ, О. ҒАНИЕВ
«Ақлий марказлар» – давлат ва жамият бошқарувини ривожлантирувчи асос.....5

ТАРИХ

А. МАМАЖОНОВ
Андижонликларнинг Фарҳод ГЭСи қурилишига қўшган ҳиссаси.....14

О. ЗАРИПОВ
Туркистон ўлкасида ирригация ва сув тақсимотига оид илк қонунлар.....23

М.М. ЭРГАШЕВА
Андижон вилояти архив фондларининг шаклланиш тарихидан (1921–1970 йиллар).....32

С.А. ҲОШИМОВ
Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда диний сиёсати тарихидан.....41

Ш.Т. САИДАХМАТОВ
Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри агломерацияси муаммолари.....51

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.З. АБДУЛЛАЕВА, И.А. МАДГАЗИЕВ, С.И. ИСЛОМОВА
«Дархон» газетаси ва Чўлпоннинг журналистик фаолияти.....59

И.А. МАДГАЗИЕВ
XIX аср сўнгги чораги ва XX аср бошлари Андижон адабий муҳити манбалари.....70

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х. ШАХОБИДДИНОВА, Д.В. ПОПОВ
О языке массовой культуры.....79

Ғ.М. ҲОШИМОВ, Ҳ.О. ҚОСИМОВА
Турли тизимдаги тилларда кириш бўлакларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатлари.....89

Ғ.М. ХОШИМОВ, С.Ж. НАЗАРОВА
Турли тизимдаги тилларда поликомпонентли қўшма гапларнинг мақоми ва дискурсив жиҳатлари.....98

З.М. ҚОДИРОВ
Ўзбек тили келишик системасининг ўзаро функционал-семантик нейтрализацияси.....108

Д.С. НЕЪМАТОВА
Чўлпон публицистик асарлари услубиятига доир.....116

М.Т. ХАЛИЛОВА
Илмий-оммабоп нутқ матнлари ва уларнинг услубий хусусиятлари.....124

CONTENTS

PHILOSOPHY

U. BOTAEV, O. GANIEV
«Think tanks» – the basis for the development of government and public administration.....5

HISTORY

A. MAMAJONOV
Contribution of andijan people to the construction of Farhod hydroelectric powerstation.....14

O.O. ZARIPOV
The first laws on irrigation and water distribution in the turkistan region.....23

M.M. ERGASHEVA
From the history of formation of archival funds of andijan region (1920-1970).....32

S.A.KHOSHIMOV
From the history of the religious policy of the soviet government in Uzbekistan....41

SH.T. SAIDAHMATOV
Problems of Termiz city aglomeration In the years of independence.....…51

LITERARY STUDIES

D.Z. ABDULLAEVA, I.A. MADGAZIEV, S.I. ISLOMOVA
Darkhon newspaper and chulpon's journalistic activity.....59

I.A. MADGAZIEV
Sources of the andijan literary environment of the last quarter of the XIX century and the beginning of the xx centuy.....70

LINGUISTICS

Sh.H. SHAHOBIDDINOVA, D.V. POPOV
About the language of mass culture.....79

G.M. HOSHIMOV, H.O. KOSIMOVA
Linguvocognitive and linguculturological aspects of introduction in different languages.....89

G.M. XOSHIMOV, S.J. NAZAROVA
Status, length and discoursive features of polycomponential composite sentences in non-related languages.....98

Z.KODIROV
Functional-semantic neutralization of the uzbek language case system.....108

D.NE'MATOVA
Chulpon on the style of publicistic works.....116

M.T. KHALILOVA
Popular-scientific speech texts and their stylistic peculiarities.....124

УДК: 94(575.1)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АРХИВ ФОНДЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИДАН (1921–1970 йиллар)

М.М. Эргашева

Мақолада Андижон вилояти архиви ва маҳаллий архивларнинг шаклланиши, бу архивларга ҳужжатларнинг жамланиши, рўйхатга олиниши, сақловга қабул қилиниши, фондлаштириш, ҳужжатларни тартибга келтириш ва макулатурага ажратиш жараёнлари баён этилган. Бу даврда қабул қилинган қарор ва фармойишлар, сақловхоналардаги ҳужжатларнинг аҳволи, идоравий архивларнинг ҳолати, архивларга бинолар, сақловхоналарнинг етишмаслиги, архив ходимларининг қўнимсизлиги, архив соҳасига сиёсий аралашувлар ҳолатлари архив ҳужжатлари асосида ёритилган.

Калит сўзлар: *архив, жамлаш, йиғмажилд, рўйхат, фонд, фармойиш, комиссия, марказлаштириш, сақловхона.*

В статье описываются формирование Андижанского областного архива и местных архивов, процесс сбора, регистрации, хранения, финансирования, систематизации и сортировки документов в них. освещаются На основе архивных документов широко освещаются решения и распоряжения, принятые за эти годы, состояние документов в хранилищах, ведомственных архивных зданий, отмечается отсутствие складских помещений, некомпетентнось и безответственность архивистов, политическое вмешательство в сферу архивов.

Ключевые слова: *архив, сосредоточение, дело, список, фонд, регулирование, комиссия, централизация, кладовая.*

1921 йил 25 январдаги Туркистон Республикаси Халқ комиссарлари Советининг «Вилоят архив фондлари» тўғрисидаги қарорига асосан, вилоят ҳудудидаги барча идоралар ҳужжатлари вилоят архив фонди таркибига кириши белгилаб қўйилди [1. Б. 15]. Шу муносабат билан 1921 йил 28 майда Фарғона вилояти давлат архиви бўлими ходими Дмитриев томонидан Андижон шаҳридаги 16 та идоравий архивлар ҳолати ўрганилган. Дастлаб ҳакамлик суди ва 1-, 2-, 3-, 4-, 6-участкаларнинг аҳволи ўрганилганда, улар архивлари битта бинода жойлашгани аниқланган. Бинода ёғочдан ясалган битта хона бўлиб, архивга мослаштирилган эди. Лекин ҳужжатлар тартибсиз жойлаштирилган бўлиб, хонада хўжалик асбоб-ускуналари ва бошқа турли буюмлар ҳам бор эди. Халқ судялари бир неча маротаба архив кераксиз буюмлардан бўшатилишини сўраб, тегишли идораларга мурожаат қилишган, лекин бу мурожаат инобатга олинмаган. Текширувчи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича раҳбарларга зарур топшириқлар берилган [2. Б. 82].

1927 йилга келиб, округлар ташкил топиши муносабати билан вилоят архив фондлари округ архив фондларига айлантирилди. ЎзССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1927 йил 6 апрелдаги қарорига асосан Фарғона ва Андижон округлараро архив буюроси тузилди. Бундай ҳолат 1930 йил 9 апрель ойигача давом этди. Чунки Марказий архив иши бошқармаси қайта ташкил қилинди, натижада архив буюролари бекор қилинди. Шунинг учун Фарғона давлат архивида Қўқон ва Андижон округларининг архив ҳужжатлари тўпландиган бўлди. Бу ҳол 1941 йилгача давом этди. Шу йилда Андижон вилоятининг ташкил топиши муносабати билан, НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги) архив бўлими ташкил топди [3. Б. 56, 97].

ЎзССР Марказий Ижроия қўмитасининг 1927 йил 4022-сонли низомига асосан, Андижон вилояти ва унга қарашли барча туманлардаги корхона-ташкилотларнинг архив ҳужжатлари жорий йилнинг охирига қадар Андижон вилоят архиви буюросига топширилиши белгилаб қўйилди. Топшириладиган ҳужжатлар аниқ рақамланган, тикилган, масъул шахс томонидан имзолангани, муқованинг тепасида ҳужжатнинг номи аниқ ва чиройли ёзилиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Юқоридаги низомга асосан архив ходим-

лари томонида олиб борилган 1927 йил август ойидаги 6-сонли ёғ заводидаги текширув натижаларига кўра, завод архивида 300 та қопга жойланган 110 пуд ҳужжат сақланмоқда эди. Бу ҳужжатлар турли ёзишмалар, шартномалар ва шу кабилардан иборат бўлиб, кўп миқдордаги китоблар ҳам сақланаётгани аниқланган. Архив ходимлари томонидан бу ҳужжатлар 4022-низом асосида вилоят архив буюросига топширилиши белгиланди [4. Б. 124]. Бу ҳужжатлар архивга қабул қилиниб, керакли фондларга киритилган.

1939 йил 24 январда Андижон шаҳар Ижроия қўмитаси ўзининг 20-йиғилишида архивлар фаолиятини кун тартибига қўйди. Жумладан, 1938 йил 14 апрелда ЎзССР Марказий Ижроия қўмитаси Молия вазирлигида архивларни қутилар, стеллажлар билан таъминлаш учун пул ажратиш тўғрисидаги қарори ишлаб чиқилган бўлсада, Андижон вилоят давлат архивида ҳалигача қутилар ва стеллажлар етишмаслиги, архивариус учун мўлжалланган хона бир пайтнинг ўзида ҳам ишхона, ҳам архив хонаси, ҳам қабулхона, қоровулхона вазифасини бажараётгани, ҳужжатларни жамлаш ишлари якунига етказилмаганини муҳокама қилди. Кўрилган масалалар юзасидан қуйидагича қарор қабул қилинган:

1. ЎзССР Халқ комиссарлари советидан 1939 йил учун ажратиладиган бюджет ҳисобидан Андижон вилоят давлат архивига дафтарлар, картонлар ва бошқалар учун маблағ ажратишларини сўраш.

2. Архивариуснинг иш ҳаққи оширилиши масаласи.

3. Йил охирига қадар ҳужжатларни жамлаш ишларини якунлаш.

4. Ҳужжатларни сақлаш учун бино билан таъминланиш [5. Б. 20]. Бундан кўриниб турибдики, бу даврда ҳукумат томонидан архивларга эътибор бериш бошланган.

Урушдан кейинги йилларда ҳам Андижон вилоят давлат архивига ҳужжатларни жамлаш ишлари давом эттирилди. Чунончи, 1945 йилда Андижон вилоят давлат архивига шаҳар ва вилоят ташкилотларидан 3000 та ҳужжат бирлиги, Ойим ва Жалолқудуқ туманларидан 580 та сақлов бирлиги, Фарғона вилоятидан 612 та ҳужжат бирлиги, жами бўлиб 4392 та сақлов бирлиги қабул қилинди. Шу йили 15 декабрга қадар тезкор қидирув мақсадида 2 та фонднинг ҳужжатларидан фойдаланилди. Булар Андижон шаҳар касаба уюшмалар ва пахта тайёрлаш трестининг ҳужжатлари эди [6. Б. 2].

1946 йилда эса Андижон вилоят давлат архивига «хизмат итлари ва каптарлари» махсус мактабининг архив ҳужжатлари сақлов учун қабул қилинди. Архив ходимлари томонидан бу ҳужжатлар ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигига мунтазам юбориб турилган. Жорий йилда яна архивга «Туркистон ўлкаси давлат мулклари қўмитасининг» ҳужжатлари тартибга солинмаган, рўйхат қилинмаган, номигагина битта йиғмажилдда 5 та ҳужжат қабул қилинган, холос. Яна шу йили архивга Андижон ишчи-деҳқон инспекциясидан 41 та сақлов бирлиги, Андижон шаҳар халқ судидан 150 та сақлов бирлиги, ҳар хил турдаги 160 та сақлов бирлиги қабул қилинди. Жами бўлиб Андижон вилоят давлат архивига 12 фонддан иборат 1077 та сақлов бирлиги, шундан 11 та фонддан иборат 747 та сақлов бирлиги туман ва шаҳар архивларидан қабул қилинди.

1947 йил 20 мартда республика архив бошқармаси, Андижон вилоят архив бўлими мудири Гембицкаяга хат юборди. Ушбу хатга биноан, Фрунзе, Куйбишев, Каганович каби Ўрта Осиёда фаолият юритган большевик раҳбарлар тўғрисида ҳужжатлар тўпланиб, китоб ҳолига келтирилиб, Тошкентга жўнатилди [7. Б. 26].

1948 йилга келиб Андижон вилоят давлат архиви собиқ масжид биносида жойлашган бўлиб, унда умумий фондлар ва махфий фондлар учун архив хазинахоналари мавжуд эди. Шу йили архив махфий фондига 28 фонддан иборат 13407 та сақлов бирлиги, умумий фондга эса 30 фонддан иборат 13446 та сақлов бирлиги қабул қилинди. 1957 та сақлов бирлиги аҳамиятини йўқотгани учун макулатурага топширилди. Архив соҳасидаги муҳим ижобий ишлардан бири шу бўлдики, 1948 йилдан архивга давлат арбоблари асарларидан ҳам бир нусхадан топшириладиган бўлди. Натижада шу йили архивга 65 та китоб ва рисола жамланди. Умуман олганда, шу йилнинг декабрь ҳолатига кўра, Андижон вилоят давлат архивида 80 та фонддан иборат, 28778 та сақлов бирлиги мавжуд бўлиб, шу йилда архив ходимлари томонидан 63 та фонддаги 17798 та сақлов бирликлари кўриб чиқилиб, тартибга келтирилди [8. Б. 22].

1953 йилга келиб, Андижон вилоятида 18 та туман мавжуд бўлиб, булардан 1953

йилларда ташкил топган Москва (Шаҳрихон), Булоқбоши, Қўрғонтепа туманларида ҳали ҳам архивлар ташкил этилмаган эди. Чинобод, Олтинкўл туманларида эса архив мавжуд деб саналса-да, аслида ҳали бино ажратилмаган эди. Ойим ва Балиқчи туманларидаги архивлар мослашмаган биноларда фаолият юритган. Хўжаобод тумани архивида ҳам ишлар қониқарли эмас эди. Шунинг учун 1954 йилда Ички ишлар вазирлиги томонидан Андижон вилояти давлат архивилари ҳолатини янада яхшилаш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди: Москва (Шаҳрихон), Булоқбоши, Қўрғонтепа туманлараро архивлари ишини яхшилаш, Чинобод, Ойим, Олтинкўл, Балиқчи туманлари учун архив биноларини қуриш, туманлар архив бошлиқларини бошқа ишларга жалб қилиш амалиётидан воз кечиш ва бошқалар. Натижада архивга шу йилнинг бошида 1077 та ҳужжат сақлов учун қабул қилинди.

Бу даврда Андижон вилоят давлат архивида ҳужжатларни қабул қилиш ишлари тўла тизимлаштирилмаган, режалаштирилмаган бўлиб, кўпроқ тасодифий характерга эга эди. Чунки баъзан муддати ўтмаган ҳужжатларни ҳам, масалан, 20-йиллар ўрнига, 30-йилларга оид ҳужжатларни ҳам муддатидан олдин қабул қилиб олинаверган. Шунинг учун 1954 йил 1 январь ҳолатига кўра, Андижон давлат архивида 410 фонддан иборат 54575 та сақлов бирлиги мавжуд бўлган.

1954 йилда Андижон вилояти туман архивларидаги камчиликлар, асосан, ҳужжатларни сақлаш ва қабул қилишда кўзга ташланган. Жумладан, Ленин (Асака) тумани архивида ҳисоботларни қалбакилаштириш ҳолатлари учраган. Тахминан, 1200 та сақлов бирлиги архив ходимларининг айби билан сел олганда сувда оқиб, йўқолиб кетган ва бу ҳолат беркитилган. Яна Ленин (Асака) тумани Ички ишлар бўлими бошлиғи майор М.Бургутбоевнинг совуққонлиги билан кўп ҳужжатлар йўқолган. Сабаби у ўз вақтида архивга малакали мудирни ишга қўймаганлиги ҳамда янги келган мудир ўз соҳасида ишлашга йўл қўйилмагани, унинг камида 8 ой мобайнида бошқа хўжалик ишларига жалб қилингани билан изоҳланади. Бу даврларда Андижон вилоят давлат архивида ҳужжатлар, асосан, рус, ўзбек, тожик ва айрим ҳолларда хитой ва эрон тилларида ҳам бўлган. Масалан, эронлик ва маҳаллий савдогарларнинг шартномалари ўзбек ва форс тилларида бўлган [9. Б. 5-6].

1955 йил бошида Андижон вилоят давлат архивига қуйидаги ташкилот ва корхоналардан ҳужжатлар қабул қилинган:

№	Ташкилот ва корхона номи	Йиғма жилдлар сони	Қабул қилинган йили
1	Метрология станцияси	2	1923-1924
2	Андижон вилоят давлат банки	9	1924-1928
3	Ташқи экспорт агентлиги	2	1929-1931
4	Андижон вилоят завод бошқармаси	10	1926-1927, 1929
5	Андижон вилояти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бошқармаси	1	1930
6	Андижон вилоят сув хўжалиги бошқармаси	1	1919-1923
7	Андижон вилояти хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси	4	1927-1930
8	Вилоят ички ишлар бошқармаси	7	1922-1924
9	Андижон ёғ-мой заводи	3	1932-1934
10	Андижон вилояти ҳунармандчилик бошқармаси	9	1926-1929
11	Ўрта Осиё банкининг Андижон бўлими	5	1929-1930
12	Андижон вилояти халқ депутаслари ишчи-деҳқон, солдат уюшмаси		1924-1930
	Жами:	57 та	

Бу ҳужжатлар архив ходимлари томонидан сараланиб, фондларга киритилган [10. Б. 8].

1957 йил ўрталарига келиб, Андижон вилоят давлат архиви ходимлари томонидан қимматли ҳужжатларни сақлаб қолиш мақсадида, саралаш ишлари ўтказилган. Натижада 103-фонд Андижон шаҳар судининг фонди экани аниқланган. Чунончи, бу фондда 295 та сақлов бирлиги мавжуд бўлиб, 193 та сақлов бирлиги 1946 йилдаги сув тошқини натижасида яроқсиз ҳолатга келган эди. Шунинг учун архив ходимлари томонидан 100 та сақлов бирлиги таъмирланди, холос.

Шу йилда архивни ҳужжатлар билан тўлдириш соҳасида ҳам самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан , 23 та фондга 5096 та сақлов бирлиги, ташкилотлардан 14 та фондга 3055 та сақлов бирлиги, шаҳар ва туман архивларидан 9 та фондга 2041 та сақлов бирликлари қабул қилинди [11. Б. 1,2].

1958 йилда республика Марказий давлат архиви (Миллий архив) сўровига асосан, Андижон вилоят давлат архиви ходимлари «Ўзбекистон касаба уюшмалари» деб номланган тўпламга мақолалар юбордилар. Яна «1917–1958 йилларда Ўрта Осиёда суғориш ишлари» ва «Андижон вилоят ҳокимиятининг мустаҳкамланиши» тўплами учун мақолалар тайёрладилар. Шунингдек, «Андижон вилоят давлат архиви» тўғрисидаги мақола эълон қилинди [12. Б. 13]. Бундан кўриниб турибдики, шу йилда архив ходимлари томонидан илмий ишларга катта эътибор қаратилган.

Андижон вилоят архив ходимлари ҳужжатларнинг қимматини аниқлаш мақсадида 1960 йилда бир қанча самарали ишларни амалга оширдилар. Чунончи, 2-фонд таркибидаги Андижон уезд Ижроия қўмитасининг ҳужжатлари, 1-фонд таркибидаги Андижон шаҳар Ижроия қўмитасининг молия бўлими ҳужжатлари, 3-фонд таркибидаги Андижон 6-сонли «Қизил Ўзбекистон» номли ёғ заводи ҳужжатлари, 6-фонд таркибига кирувчи Андижон шаҳар халқ таълими бўлими ҳужжатлари, 17-фонд таркибига кирувчи Андижон шаҳар суғурта кассасининг ҳужжатлари, 21-фонд таркибига кирувчи Фарғона округи Андижон филиалининг халқ назорати бўлими ҳужжатлари, 270-фонд таркибига кирувчи тикувчи артеллари ҳужжатлари, 321-фонд таркибига кирувчи пиллачи артелининг ҳужжатлари экспертизадан ўтказилди. Натижада ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатлар макулатурага топширилди. Олиб борилган ишлар натижасида архивда янги ҳужжатларни қабул қилиш учун бўш жойлар яратилди. Шу йилда архивга 1523 та сақлов бирлиги қабул қилинди [13. Б. 1].

Андижон вилоят Ижроия қўмитасининг 1961 йил 27 июндаги 367-15-сонли «Вилоятда архив ишини қайта қуриш» номли қарорига кўра вилоят архиви томонидан маҳаллий архивларда текширув ишлари олиб борилди. Натижада архив ишлари қониқарли эмаслиги маълум бўлди, бунинг сабаби архив учун махсус жиҳозланган бино ва инвентарлар етишмаслиги ва кадрлар қўнимсизлиги деб топилди. Жумладан, Балиқчи, Хўжаобод, Пахтаобод, Янгиқўрғон, Олтинкўл туманларидаги архив ходимларида қўнимсизлик, Холдевонбек тумани (Бўстон тумани) архиви бошлиғи эса бошқа ишга ўтказилгани, Чинобод, Холдевонбек (Бўстон тумани), Норин, Ильич (Марҳамат) туман давлат архивларига ажратилган бинолар ҳужжатларни сақлаш учун мослашмаганлиги, шунингдек, идора, муассаса, ташкилотларда ҳам шундай ҳолатлар мавжудлиги, масалан, вилоят халқ маорифи, маҳаллий саноат бошқармаси, вилоят молия бўлими, гидролиз заводи, алоқа бошқармаси ва бошқаларда ҳужжатларни сақлаш учун хоналар етишмаслиги, натижада ҳужжатлар тартибсиз сақланаётгани аниқланди.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш мақсадида Андижон Ижроия қўмитаси қуйидаги қарорни ишлаб чиқди:

1. Туман архивларини малакали кадрлар билан таъминлаш.

2. Ўз вазифасини сидқидилдан бажармайдиган ходимларни ишдан бўшатиш ва янги ходимларни қабул қилиш.

3. Архив ходимларини бошқа ишларга жалб қилиш амалиётини бекор қилиш, бундай ишлар вилоят архив бошқармаси билан келишилган ҳолда амалга оширилиши.

4. Норин, Тўрақўрғон, Қўрғонтепа, Холдевонбек (Бўстон тумани), архивларига етарли шароитларни яратиб бериш.

5. Андижон вилоят давлат архиви биносини таъмирлаш. Бу вазифани облкомхоз Артунов ҳамда қурилиш идораси раҳбари Раҳимовлар зиммасига юклатилди.

6. Вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларига ўз ихтиёридаги архив хазинахоналарини таъмирлаш ва ҳужжатларни бус-бутун сақлаш, ҳужжатларга масъул шахслар тайинлаш вазифаси берилди. Бу ишларни назорат қилиш вилоят архив

бошқармаси зиммасига юклатилди [14. Б. 29, 30].

Юқоридаги қарор самараси сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: 1963 йил бошларида Избоскан туманлараро архивига 13 та ташкилотдан, яъни Пахтаобод омонат кассасининг 1947–1961 йилларига оид 630 та сақлов бирлиги, вилоят халқ таълими бўлимининг 1944–1962 йилларига оид 375 та, Норин тумани Ижроия қўмитасидан 1954–1960 йилларга оид 150 та, Норин тумани ижтимоий таъминот бўлимининг 1955–1962 йилларига оид 642 та, Норин тумани коммунал хўжалик ташкилотининг 1956–1962 йилларига оид 50 та, Норин туман ипак ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1943–1962 йилларига оид 150 та, Избоскан тумани жамғарма кассасининг 1955–1962 йилларига оид 595 та, Избоскан ўрмон хўжалиги ташкилотининг 1948–1960 йилларига оид 20 та, Пахтаобод Ижроия қўмитасининг 1952–1961 йилларига оид 239 та, Пахтаобод маданият бўлимининг 1950–1961 йилларига оид 300 та, Пахтаобод молия бўлимининг 1947–1961 йилларига оид 1000 та, Избоскан «Шарқ юлдузи» нашриётининг 1944–1961 йилларига оид 2200 та сақлов бирликлари қабул қилиб олинди [16. Б. 22]. Шу йили Избоскан туманлараро архивида жами 216 фонддан иборат 9813 та сақлов бирлиги мавжуд бўлган. Андижон вилояти архивига эса шу йили сақлов учун жами 25 та ташкилотдан 3034 та сақлов бирлиги қабул қилинган. Архив ходимлари томонидан 206 та фотоҳужжатдан 2 та альбом ясалган [17. Б. 2].

Андижон давлат архиви ходимлари томонидан олиб борилган самарали ишларга қарамасдан, 1963 йилга келиб Андижон вилоят давлат архивига ташкил топгандан буён умуман ҳужжат топширмаган ташкилотлар ҳам бор эди. Масалан, вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси ҳеч қандай ҳужжат топширмаган. Бунга сабаб, ҳужжатлар билан шуғулланадиган шахс бу иш билан бир қаторда бухгалтер ва кадрлар бўлими ходими вазифасида фаолият олиб борган. Шунинг учун бу ишларга улгурмаган. Бундан кўриниб турибдики, шу йилларда республика ҳукумати томонидан кадрлар масаласига эътибор берилмаган. Бундай ҳолатлар, албатта, қимматли ҳужжатларни давлат сақловидан қолиб кетишига сабаб бўлган. Вилоят давлат архиви томонидан қишлоқ хўжалик бошқармасига кейинги йилда ҳужжатларни давлат сақловига топшириш топшириғи берилди.

Маълумки, 1963 йилда республикада архивлар фаолиятини енгиллатиш мақсадида хўжалик ҳисобидаги гуруҳлар тузилган. Шу йилда Андижон вилоят давлат архивида ҳужжатларни тартибга солишда хўжалик ҳисобидаги гуруҳлар етарли эмас эди. Чунки бундай ҳолатнинг молиявий жиҳатлари бор эди.

1963 йил 14 октябрдаги ЎзССР Министрлар Советининг 603-сонли «Давлат архивлари ишларини ривожлантириш» ҳақидаги қарори республика давлат архивларига архив ишини ривожлантириш учун дастуриламал бўлди. Бу қарор асосида Андижон давлат архив ходимлари архив ишини яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида пухта режалар ишлаб чиқдилар. Улар томонидан вилоятдаги барча ташкилот ва муассасаларда ҳужжатлар қандай сақланаётгани ўрганилди ва муассасаларга муҳим вазифалар белгилаб берилди. Натижада вилоятдаги 395 та корхона-муассасалар ўз ҳужжатларини тартибга келтирдилар. Бироқ бир неча муассаса ва ташкилотлар ҳужжатларни тартибга солиш ишларини охирига етказмадилар. Масалан, Андижон қишлоқ хўжалик бошқармаси, вилоят пахта тайёрлаш бошқармаси, Янгиқўрғон, Марҳамат, Балиқчи, Наманган туманлари туман ижроқўмлари бўлимларининг 1912–1920 йилларга оид энг қимматли ҳужжатлари шулар жумласидандир. Шунинг учун бу ташкилотлар вилоят давлат архиви томонидан огоҳлантирилди. Умуман олганда, архив ходимлари томонидан 1934–1962 йилларга оид 183 та фонд тартибга келтирилди. 1969 йилга келиб ҳужжатларни тартибга солиш ишлари якунланди.

Андижон вилоят Ижроия қўмитасининг 1963 йил 19 апрелдаги 211-10-сонли қарори бўйича 1966–1970 йилларга мўлжалланган 5 йиллик вилоят режасига асосан 600000 та ҳужжат сиғадиган вилоят давлат архиви биносини қуришга маблағ ажратиш белгиланди. Бундай ижобий ишлар Андижон вилоятининг туман архивларида ҳам кўзга ташланди. Масалан, Қўрғонтепа, Москва (Шаҳрихон) туманларидаги филиалларга бинолар ажратилди. Избоскан филиалига шаҳар ижроқўми ҳовлисидан қўшимча бино, Андижон тумани филиали учун эса қабулхона қурилган [17. Б. 21, 22]. Натижада ҳужжатларни қабул қилишда ижобий натижаларга эришилди. 1964 йилда Андижон вилояти давлат архивига филиаллардан сақлов учун ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, Москва (Шаҳрихон)

туманидан 18 та, Балиқчи туманидан 17 та, Бўз туманидан 13 та колхоз ва 2 та совхознинг 1957 йилгача бўлган барча ҳужжатлари рўйхатга олиниб, расмийлаштирилиб архивга топширилган. Баъзи бир колхозлар, масалан, «Қизил Ўзбекистон» колхози ҳатто 1962 йилгача бўлган ҳужжатларни давлат сақловига топширган.

Собиқ СССР Министрлар Советининг 1964 йил 24 сентябрдаги 5074-сонли қарорига ва Бош архив бошқармасининг 1964 йил 15 декабрдаги «Колхозларнинг айрим аъзоларига нафақа ва пенсиялар берилиши муносабати билан ҳужжатларни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан, барча колхоз, совхозларга ҳужжатларини тартибга солиш тўғрисида хатлар юборилди. Бу хатларда ҳужжатларни қандай сақлаш кераклиги, маълумотномалар бериш ва бошқа иш юритишга оид кўрсатмалар берилди. Бу масаланинг энг қийин томони шунда эдики, барча колхозларда ҳужжатларни сақлаш учун маъсул шахс ва махсус хона ажратилмаган, ҳужжатлар бошқа ҳужжатлар билан бирга сақланган. Айрим колхозларда ҳужжатлар колхоз омборларида сақланиб, уларни ўрганиш ва тизимлаштириш учун ходимлар етишмас эди. Шунга қарамай архив ходимлари томонидан ҳужжатлар тизимлаштирилиб, тегишли маълумотномалар тузилди. Натижада ижтимоий таъминот бўлимларига, колхозчиларнинг меҳнат стажлари ва бошқа керакли маълумотлар имкон даражасида тўплаб берилди. Жумладан, бу ишлар Балиқчи туманидан 7 та, Москва (Шаҳрихон) туманидан 9 та колхоз ишчиларига меҳнат дафтарчаларининг берилишига имкон яратди.

Шу йилларда Андижон вилоятидаги маҳаллий архивларда фотоҳужжатлар йўқ эди, ҳисоб. Фақат Москва (Шаҳрихон) туманлараро архивида 10 та фотоҳужжат мавжуд бўлиб, 1964 йилнинг сентябрь ойига келиб 96 тага етди. Шу йили архив ходимларининг талабларига кўра Республика Алишер Навоий номидаги кутубхонадан ва Тошкент шаҳар собиқ Сталин туманидаги қишлоқ советидан фотоплёнкалар сўраб олинган [18. Б. 13, 18, 19].

Ўзбекистон Министрлар Совети ҳамда Андижон вилояти Ижроия қўмитасининг 1965 йил 19 апрелдаги н-211-10-сонли қарорига асосан Чуст туманининг архиви Андижон вилояти давлат архиви таркибида туманлараро давлат архиви сифатида ташкил топди. Ўзбекистон Министрлар Советининг 1965 йил 1 сентябрдаги 514-сонли қарори билан давлат архивининг ҳолати тасдиқланди. Янги тузилган Чуст туманлараро давлат архиви қонунларга, маҳаллий ҳокимият органлари буйруқларига, Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги бош архив бошқармасига ва вилоят архивига таяниб фаолият олиб бориши белгилаб қўйилди [19. Б. 84]. Шу йилдан бошлаб Чуст архиви Наманган вилояти ва Поп туманига хизмат кўрсата бошлаган. 1967 йилда Чуст туман архиви ходимлари ҳужжатларни жамлаш ишига астойдил киришдилар. Улар Наманган, Чуст, Задарё туманларидаги 31 та колхоз, совхозлардан, 7 та қишлоқ советидан, 2 та туман ижроия қўмиталаридан, шунингдек, 1936–1963 йилларга оид 240 та идора ва ташкилотларга тегишли ҳужжатларни сақлов учун қабул қилиб олдилар.

1968 йил 26 июнда Андижон вилоят давлат архивининг Наманган филиали базасида Наманган вилоят архиви ташкил топган. Дастлаб Наманган вилоят архиви ва Чуст туман архиви фаолият юритган эди [20. Б. 1, 2]. Наманган давлат архиви ташкил топиши муносабати билан мазкур архивга Андижон вилоят давлат архивидан 10000 та сақлов бирлиги ўтказилди.

1969 йилга келиб республикадаги баъзи бир архив муассасалари ўз архив фондларининг тўлалигига катта аҳамият берганлар. Масалан, Андижон вилояти давлат архиви Марҳамат тумани Ижроия қўмитасининг 1929 йилга оид йўқолган деб гумон қилинган ҳужжатларини қидириб топишга муваффақ бўлган [21. Б. 19, 20]. Бундай ҳолат албатта архив ходимларидан юқори даражада меҳнатни талаб қилган.

1972 йил 13 июнда Андижон вилоят Ижроия қўмитаси томонидан «Вилоят давлат архивининг Қўрғонтепа филиали қошида шахсий таркиб бўйича ҳужжатларнинг туманлараро бирлашган архивини ташкил қилиш тўғрисида» қарори қабул қилинди. Бу қарор асосида архив, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, колхозлар, совхозларнинг шахсий келиб чиқиш бўйича ҳужжатлари сақланишини таъминлаш, ҳисобга олиш, уларни жамлаш ва фуқароларга биографик маълумотномалар бериш бўйича хўжалик ҳисобида иш олиб борилди. Ҳар бир ташкилот ва корхоналар шахсий келиб чиқиши бўйича ҳужжатларни марказлаштириб сақлаган ва хўжалик ҳисобидаги архивга маблағ ўтказиб турган, ана шу маблағ

ҳисобидан архив ходимларига иш ҳақи берилган. Ижроқўм қарори билан ҳар бир йиғмажилд учун йилига 65 тийин миқдорида ҳақ тўлаш белгиланган. Қўрғонтепа архивининг тажрибаси, яъни шахсий келиб чиқишга оид ҳужжатларни сақлаш ва фойдаланишнинг самарали ва фойдали шакли туман, шаҳар идораларараро архивларида уларни марказлаштириб сақлаш эканлигини исботлади [1. Б. 33–34]. Юқоридаги низомга кўра, туманлараро шахсий архивнинг фаолият доираси кўрсатиб берилган. Бу архивнинг вазифаси Қўрғонтепа, Хўжаобод туманлари ҳамда Советободдаги корхона, ташкилот, муассасалар, колхозлар ва бошқалардан шахсий келиб чиқишга оид ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлашдан иборат эди. Бу шахсий келиб чиқишга оид архив амалдаги қонунларга риоя қилган ва барча юқори турувчи архивларга бўйсунган. [22. Б. 3, 4].

Хулоса қилиб айтганда, Андижон вилоятида ташкил этилган архивлар фаолиятида бир қатор қийинчиликлар мавжуд бўлган. Улардан энг асосийлари идоравий архивларни аниқлаш, улардаги ҳужжатлар мазмуни билан танишиш, уларни тартибга келтириш ва сақловга қабул қилиш эди. Ушбу жараён ҳам молиявий, ҳам сиёсий вазиятлар туфайли ҳар доим ҳам самарали амалга оширилмаган. Архив сақловхоналари етишмаслиги, ходимлар сони чекланган ва молиялаштириш ишлари яхши ташкил этилмаганига қарамасдан, бир қатор идораларнинг архив фондлари шакллантирилган эди. Юқоридаги ҳолатлар натижасида кўпгина қимматли ҳужжатлар давлат архивлари ҳимоясидан ташқарида қолиб кетган.

Адабиётлар:

1. *Алимов И*. Архившунослик. – Андижон: Андижон давлат университети нашриёти, 2015. – 16 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р-400 фонд, 1-рўйхат, 25-иш.
3. *Телекулов Г.С.* Архивное дело в Узбекистане (1918-1980 гг) опыт проблемы: Дисс… канд. ист. наук . – Тошкент, 1995. – 57 б.
4. Андижон вилоят давлат архиви (АВДА), Р-201 фонд, 1-рўйхат, 33-иш.
5. АВДА, Р-476 фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
6. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 73-иш.
7. АВДА, Р-476 фонд, 1-рўйхат, 1-иш.
8. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 15-иш
9. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 73-иш.
10. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 81-иш.
11. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 102-иш.
12. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 116-иш.
13. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 137-иш.
14. АВДА, Р-476 фонд, 1-рўйхат, 120-иш.
15. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 189-иш.
16. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 180-иш.
17. АВДА, Р-521 фонд, 1-рўйхат, 212-иш.
18. АВДА, Р-476 фонд, 1-рўйхат, 180-иш.
19. *Олимжонов Х*. Архив иши ёшлар нигоҳида. Мақолалар тўплами. – Тошкент: Миллий архив нашриёти , 2011. – 85 б.
20. Наманган вилоят давлат архиви, Р-273 фонд, 1-рўйхат, 176-иш.
21. ЎзР МДА, Р-400 фонд, 1-рўйхат, 2417-иш.
22. Наманган вилоят давлат архиви, Р-273 фонд, 1-рўйхат, 178-иш.

FROM THE HISTORY OF FORMATION OF ARCHIVAL FUNDS OF ANDIJAN REGION (1920-1970)

M.M. Ergasheva[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2021. 1(53). 32-40.

[1]Margilan city 1 state specialized general education school, Fergana, 151111, str. Turkestan, 190 (Uzbekistan) E-mail: boohush@mail.ru

Keywords: archive, to concentrate, list, build volume, the fund, regulation, commission, centralization, qualifying, storage.

The article describes the formation of the Andijan regional archive and local archives, the process of collecting, registering, storing, financing, organizing and sorting documents in these archives. Decisions and orders made in previous years, the status of documents in depositories, departmental archives, the condition of buildings for archives, lack of storage space, incompetence and irresponsibility of archivists, political interference in archival work, archival documents are widely covered.

According to the decision of the Central Executive Committee of the Republic of Uzbekistan dated April 6, 1927, the Ferghana and Andijan interdistrict archive bureau was established. It is planned to submit archival documents of enterprises and organizations of Andijan region and all its districts to the archives of Andijan region by the end of this year. The documents to be submitted again must be clearly numbered, sewn, signed by the person in charge, and the name of the document must be clearly and beautifully written on the top of the cover. In general, there were a number of difficulties in the activities of the archives established in Andijan region. The most important of which was to identify the departmental archives, to get acquainted with the content of the documents in them, to organize them and to receive them for storage. These processes have not always been effective due to both financial and political circumstances. Despite the lack of archival storage facilities, the limited number of staff, and the poor organization of funding the archival funds of agencies were formed.

In 1954, the process of receiving documents for the Andijan State Archives was more systematic and unplanned than accidental. Because sometimes he received overdue documents, for example, documents of the 30s instead of the 20s. Earlier this year, the Andijan regional state archive received 1,077 ducuments for storage. In 1964, there were organizations that had not submitted any documents to the Andijan State Archive since its establishment. For example, the Department of Agriculture did not submit any documents, of thode who worked as an accountant and an employee of the personnel department. So he didn`t have time to do that. We know that in 1963, in order to facilitate the work of archives in the country, self-supporting groups were formed. In 1964, the Andijan State Archives did not have enough self-supporting groups to organize documents. Because such a situation depended on the financial side. In short, there were a number of difficulties in the activities of the archives established in Andijan region. The most important of them was to identify the departmental archives, to get acquainted with the content of the documents in them, to organize and store them.

References:

1. Alimov, I. (2015) *Arxivshunoslik* [Archival business]. Andijan: Andijon davlat universiteti nashriyoti.

2. *O‘zbekiston Respublikasi Markaziy davlat arxivi* [The central archive of the Republic of Uzbekistan. CSA of the RU]. Fund – R.400, List-1, Folding Volume -25.

3. Telekulov, G.S. (1995) Arhivnoe delo v Uzbekistane (1918-1980 gg) opyt problemy [Problem experience of archival business in Uzbekistan (1918-1980)]. Dissertation for the degree of candidate of historical sciences.Tashkent.

4 Andijon вилоят davlat arxivi [Andijan Regional State archive. (ARSA)]. Fund –R.201, List-1, Folding Volume -33.
5. ARSA. Fund – R.476, List-1, Folding Volume -1.
6. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -73.
7. ARSA. Fund – R.476, List-1, Folding Volume -1.
8. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -15
9. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -73.
10. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -81.
11. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -102.
12. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -116.
13. ARSA. Fund – R.521, List-1, Folding Volume -137.
14. ARSA Fund – R.476, List-1, Folding Volume -120.
15. ARSA.Fund – R.521, List-1, Folding Volume -212.
16. ARSA. Fund –R.521, List-1, Folding Volume -180.
17. ARSA. Fund –R.521, List-1, Folding Volume -189.
18. ARSA.Fund –R.476, List-1, Folding Volume -180.
19. Olimjonov, X. (2011) *Arxiv ishi yoshlar nigohida* [The archive in the eye of young people]. Collection of articles. Tashkent
20. O‘zbekiston Respublikasi Namangan davlat arxivi [Namangan Region archive of the Republic of Uzbekistan. NRA, of the RU]. Fund – R.273, List-1, Folding Volume -176.
21. CSA of the RU, Fund –R.400, List-1, Folding Volume -2417.
22. NRSA, of the RU, Fund –R.273, List-1, Folding Volume -178.

Муаллиф ҳақида маълумот:
Эргашева Мамлакат Мухторовна – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси мустақил изланувчиси. E-mail: org.mamlakat@.com